



# ЭЛ АРДОГИДАГИ ОЛИМ

*география фаилари номзоди,  
профессор И.Қ.Назаров  
80 йида*

Бухоро давлат университетиди 2021 йилнинг 1 май куни таниқли олим, география фанлари номзоди, профессор И.Қ.Назаров таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб *"Исроил Қиличевич Назаров ва чўлшунослик илми"* мавзусида республикамызда фаолият олиб бораётган географ олимлар иштирокида илмий-амалий семинар ўтказилади.

Семинарнинг мақсади 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланишда чўл худудларининг ўрни, республикамызда чўлшунослик илми ва унинг долзарб муаммолари, профессор И.Қ.Назаровнинг илмий, илмий-ижодий ва педагогик фаолиятида чўл худудлари ва уларни ўрганишнинг амалий аҳамияти каби масалаларни таҳлил этиш кўзда тутилган.

**Масъул муҳаррирлар:**  
А.М.Мавлонов, А.А.Қодиров

**Тақризчилар:**  
Қ.С. Ярашов, география фанлари номзоди, СамДУ доценти  
Д.Ш.Явмутов, иқтисод фанлари номзоди, БухДУ доценти

БухДУ Табиий фанлар факультети илмий кенгашининг 2021 йил 3 апрелдаги 8-сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.



**география фанлари номзоди,  
профессор И.Қ.Назаров  
80 ёшда**



И.Назаров бошчилигида тайёрланган рельефли макет

И.Қ.Назаров 2009-2011 йилларда мўлжалланган “Чўл ландшафтларининг маҳаллий сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш (Бухоро вилояти мисолида)” мавзусидаги Давлат гранти лойиҳаси совриндори ва раҳбари бўлган. И.Қ.Назаров томонидан 2010 йилга қадар 250 дан ортиқ илмий мақола, рисола, ўқув-услубий қўлланма, монографиялар чоп эттирилган, шулардан 30 дан ортиғи эса, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси саҳифаларидан жой олган. 2010-2021 йиллар давомида эса меҳнат фахрийси бўлишларига қарамасдан 30 дан ортиқ нуфузли журнал ва конференцияларда илмий мақола ва тезислар чоп эттирди. Устознинг 2013 йилда чоп этилган “География фанининг асосий муаммолари” ўқув қўлланмаси 2014 йилда “Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув қўлланмалари” республика танлови ғолиби бўлди.

И.Қ.Назаров 2020 йилдан Ўзбекистон География жамиятининг фахрий аъзоси, мазкур йилда “Проблемы освоения пустынь” халқаро журналнинг таҳрир ҳайъати аъзосидир.

Табиатан вазмин, кенг мушоҳадали, қатъий фикрли, талабчан, ташаббускор, шу билан бирга дилкаш, ёшларга меҳрибон устоз Исроил Қиличевични табаррук ёшлари билан

табриклаймиз. Устоз ҳамда у кишининг умр йўлдошлари Ҳарогул ая яна узоқ йиллар фарзандлари, неваралари, шогирдлари ҳамда ёру-биродарлари ардоғида бўлишларини Яратгандан сўраб қоламиз.

## ЗАМОНАВИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ ЗАБАРДАСТ УСТУНИ

Явмутов Д.Ш., и.ф.н., доцент, БухДУ

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо, онинг ҳақин юз ганч ила.  
Алишер Навоий*

Математикани фанларнинг отаси дейишса, мен географияни фанларнинг энциклопедияси, деган бўлардим. Замонавий география фани ўзининг ички тузилиши билан моддий оламнинг барча таркибий тузилиши соҳалари бўйича билим бера олади.

Бежизга Наполеон I Бонапарт “География – бу тақдир” демаган. Замонавий география фани инсон тақдири, ҳаёти учун барча керакли соҳалардан умумий, бошланғич билимларни бера олади. Ҳаёт тўғрисида, ер тўрисида, ҳаво, сув, иқтисодиётнинг турли тармоқлари, аҳоли, шаҳарлар ва ҳақоза. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Бу соҳалар бўйича етарли ва тўлақонли билим бериш, бу йўналишларнинг маълум бирлари бўйича илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб бориб, фаннинг ривожига ҳисса қўшиш ҳар бир географдан катта масъулиятни талаб қилади. Талабаларга географиянинг қизиқарли маълумотларини ҳаётини қилиб етказиб бериш, уларнинг олаётган билимларини ўзларига бир умрга йўлдош бўлувчи, йўл кўрсатувчи маёқ бўлиб қолувчи бир манбаа сифатида шакллантиришда ҳар бир устознинг ҳам педагогик маҳорати етмаслиги мумкин. Бироқ Исроил Назаров учун бу ҳаётини кўникмага айланиб бўлган, у ўз талабаларига, шогирдларига замонавий география фанининг сирларини шу қадар маҳорат билан етказиб берганки, талабалар ва шогирдларда бу билимлар ҳаётлари давомида дастуруламал бўлиб келмоқда.

Исроил Қиличович Назаров Ўзбекистоннинг замонавий география фани ривожига ўзининг улкан ҳиссаси билан ўрин эгаллаган. Устознинг номи Ўзбекистоннинг атоқли географлари Н.Л.Корженевский, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, З.М.Акрамов, Г.Н.Черданцев, В.М.Четыркин, А.А.Рафиқовлар қаторида нафақат мамлакатимизда, балким Марказий Осиё ва МДХ давлатлари географ-олимлари орасида ҳам танилган.

Мен 1994-1999 йилларда География мутахассислиги бўйича устозлар И.Назаров, Ю.Саломов, У.Нуров, Л.Тўраева, И.Аллаёров, Х.Тошевлардан таҳсил олганман. Мен ҳозиргача турли лавозимларда ишладим, вилоятимизнинг турли корхоналарида хизмат юзасидан бўлдим, бунда менга талабалик давримда олган билимларим ўз ўрнимни топишда, жамоада ҳурмат қозонишимга, иш фаолиятимни тўғри ва самарали ташкил этишимда яқиндан ёрдам берди. Бунинг учун албатта ушбу номлари тилга олинган ва бошқа устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Устозларим орасида Исроил Назаров ўзининг самимийлиги, одамохунлиги, меҳнатсеварлиги, айниқса, ўз касбининг фидойиси эканлиги билан ажралиб туради. Ҳозиргача дарсларда, дарслардан ташқари даврларда бизга берган ўғитлари эсимда. Устоз дарс машгулотларида ҳам мавзунини ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, кўрилаётган масалага ҳаётдаги мисоллар орқали, биз талаба ва ёш ўқитувчиларга тушинтирганки, бунда албатта ҳар бир тингловчи масаланинг мазмун-моҳиятини жуда осон тушуниб олган. Ҳар бир мавзунини аниқ мисоллар ёрдамида ёритиб берарди.

Мамлакат ҳудудидаги табиий-экологик, ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини географик детерминизм нуқтаи-назаридан тушунтирарди. Табиат қонунлари, ижтимоий-иқтисодий қонунларни очиб беришда қийналмасди. Ўз илмий йўналиши табиий география бўлсада, экологик, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ҳам чуқур англаб тушунган, буларни талабаларга, шогирдларига мароқ билан тушунтирарди.

Исроил Назаровда мени қойил қолдирган яна бир нарса, у кишида хотиранинг жуда кучлилиги. Устоз талабалик

давримизда, ёш ўқитувчилик давримизда, суҳбат жараёнида, илмий маърузаларида, дарс машгулотларида мавзуга онд кўплаб статистик ва бошқа маълумотларни келтирардики, бунча маълумотга эга бўлиш учун катта ҳажмдаги ахборотни қайта ишлаш керак бўларди. Чунки, у даврда ҳали интернет йўқ, асосий ахборотни китоб ва журналлардан, газета ва радио, телеэфирлардан олиш мумкин эди. Ҳатто у киши нафақатга чиққан даврларида ҳам учрашиб, суҳбатлашиб қолсак, суҳбат жараёнида факт сифатида келтирадиган рақамлари, статистик кўрсаткичлари, маълумотлари ўз кўлами билан ҳар қандай суҳбатдошни ҳайратга соларди.

Исроил Қиличович Назаров Ўзбекистоннинг замонавий география фанида забардаст устунларидан саналади. У кишининг фанини ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс. Айниқса, чўл ландшафтлари ва уларнинг муҳофазаси, ҳавза назарияси бўйича илмий қарашлари ва фикрлари ўзининг ҳаётий исботини топган. Олим сифатида Марказий Осиё ва МДХ давлатлари олимлари ўртасида турли илмий-амалий анжуманларда ўз қарашларини маълум қилган ва уларни муносиб ҳимоя қилган. Хорижий ва республикамиз олимлари устозни чўлшунос олим сифатида яхши билишади.

Исроил Назаров шунингдек кадрдон устоз. Унинг шогирдлари республикамизнинг турли ҳудудларида иқтисодийнинг турли соҳаларида фаолият олиб боришмоқда. Биз шогирдлар устозга мустаҳкам соғлиқ тилаб қоламиз. Узок йиллар фан ва таълим соҳасида ўзларининг самарали фаолиятларини давом эттиришларига тилакдошимиз.

## **СОДИҚ ДЎСТ, МЕҲРИБОН УСТОЗ, ЕТУК ОЛИМ**

**Артикова Ҳ.Т., б.ф.д., БухДУ,**

**Агрономия ва биотехнология факультети декани;  
Назарова С., к/х.ф.ф.д., тупроқшунослик кафедраси  
ўқитувчиси;**

**Умаров О.Р., тупроқшунослик кафедраси ўқитувчиси**

Бухоро давлат университети тарихига назар ташлайдиган бўлсак бу муқаддас даргоҳдан қанча олимлар етишиб чиққан.



География бўлими битирувчиларининг 40 йиллик учрашуви.  
22.05.2017 й.

## МУНДАРИЖА

И.К.Назаров ҳаёти ва ижодининг муҳим саналари .....	3
Мавлонов А.М., Қодиров А.А. Чулшунос олим И.Қ.Назаров – 80 ёшда. Сўзбоши урида .....	5
<b>ИСРАИЛ ҚИЛИЧЕВИЧ НАЗАРОВ – ГЕОГРАФ ОЛИМЛАР ВА ЗАМОНДОШЛАРИ НИГОҲИДА</b>	
Ҳикматов Ф.Ҳ., Эрлапасов Н. Улуғлар назарига тушган устоз И.Қ.Назаров .....	12
Сабитова Н.И. Назаров Исраил Клычевич – ведущий пустыновед и исследователь аридных геосистем Средней Азии .....	17
Тўраева Л.Ҳ., Тошов Х.Р., Эргашева М.К. Ҳикматли қалб кудрати ёхуд мурувватли олим .....	19
Комилова Н.Қ. Чўл билан тиллашган Бухоро география илмий мактаби жонкуяри.....	22
Ҳайитов Ё. Чўл табиатининг гултожи – инсони.....	27
Миракмалов М.Т. Чўлшунос олим ибрати.....	31
Федорко В.Н. От пустыноведения к философии и методологии науки (к юбилею Исраила Киличевича Назарова) .....	33
Дўстов С. Таниқли географ, педагог олим.....	38
Ҳалимова Г.С. Устоз ҳикмати – саодат калити .....	40
Явмутов Д.Ш. Замонавий география фанининг забардаст устуни.....	47
АртиковаҲ.Т., Назарова С., Умаров О.Р. Содик дўст, меҳрибон устоз, етук олим .....	49
Э.Д.Ниёзов, М.А.Турсунов. Бухоро географиясининг асосчиси .	51
Алланазаров К., Ходжаева Г. Чўлшунос олим ва география фани фидойиси .....	53
Баҳромов Қ.Ҳ. География илмининг меъмори .....	55
Мирзаева И.Э. Қалби дарё, меҳрибон устоз .....	59
Qalandarova D. Ma'rifat nuri .....	62
Файзиева Ф.А. Оиламизнинг қадрли дўсти ва самимий устоз.....	65
Nematova X.X. Ezgulikka baxshida umr .....	67
А.М.Мавлонов, Ю.Б.Рахматов. Бухоро географларининг сардори.....	69
А.А.Қодиров, С.Ж.Раҳмонова. Серқирра олим ва устоз мураббий.....	72

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА ЧЎЛ ҲУДУДЛАРИНИНГ  
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

Низомов А. Қадимги гидротехник иншоот тури – музхона ёки чўл худудларида музни заҳира қилиш қадрияти.....	76
Тўраев Қ.Т., Навруз-Зода Б.Н. Туризм турлари ва диний туризмнинг ундаги ўрни .....	80
Abdullayev S.I., Nazarov M.G. Qarsi cho`li tabiatining xususiyatlari.....	89
Мирзоева И.Э., Нематов А.Н. Чўлланиш жараёни ва унинг мазмун-моҳияти .....	94
Аллаберганов Ю., Гулимматов И., Матчанов М.Ж. Хоразм воҳасининг чўллашиш эҳтимоли катта худудларини аниқлаш ва мониторинг қилиш .....	97
Qo`ldosheva Z.B., Hamdamova D.N. Cho`l zonasidagi tabiiy geografik jarayonlar va ularni o`rganishning ahamiyati.....	103
Худойбердиева И.А. Чўл-яйлов зонасида қоракўлчилик тармоғини ривожлантиришнинг айрим иқтисодий жиҳатлари .	106
Абдуллаев А.Г., Гулимматов И.Б., Абдуллаева М.Г. Хоразм воҳаси иқлимий хусусиятлари .....	109
Исроил Қиличович Назаров илмий ва илмий-услубий ишларнинг библиографик кўрсатгичи.....	114

“Садриддин Салим Бухорий” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Адади 50 нусха. Ҳажми 164 бет. Буюртма 113. 2021 йил